

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ БД – 5220100 – 3.07
2016 йил “ 9 ” 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “ 02 ” 01

ЖУРНАЛИСТИКАДА КАСБ ЭТИКАСИ

ФАН ДАСТУРИ

| | |
|------------------|---|
| Билим соҳаси: | 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқук |
| Таълим соҳаси: | 220 000 – Журналистика ва ахборот |
| Таълим йўналиши: | 5220100–Журналистика (халқаро журналистика) |

ТОШКЕНТ — 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Дўстмухамедов Х. – ЎзДЖТУ аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси доценти, ф.ф.д.

Файзуллаева Х. – ЎзДЖТУ аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси катта ўқитучиси

Такризчилар:

Маматова Ё. -ЎзМУ журналистика факультети матбуот кафедрасининг мудирини, ф.ф.д., доцент

Саидов Х. – “Бошланғич таълим” журнали бош муҳаррири, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

“Журналистикада касб этикаси” фани бўйича ўқув курсини ўқитилишининг аҳамияти ва долзарблиги журналистика соҳасида таълим олаётган талабаларга республикамизда ҳамда жаҳон журналистикаси тизимида касб этикаси масалалари ва уларнинг жамиятдаги ўрни, шунингдек халқаро ҳуқуқий асосларининг журналистикага дахлдор жиҳатлари тўғрисида билим беришдир.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

“Журналистикада касб этикаси” фаннинг асосий мақсади - журналистика факультети талабаларини халқаро журналистикада касб этикаси асосларининг ўзига хос хусусиятлар, мавзу тамойиллари билан таништиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси – уни ўрганувчиларга:

- талабаларга журналистикада касб этикасининг, шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормалари амал қилиши зарур бўлган ҳолатларда журналистлик фаолияти олдига қўйиладиган талабларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида маълумот бериш;
- талабаларда мустақил хорижий мамлакатлар ОАВ фаолиятида касб одоби асосларини ташкил этиш назарияси, журналистлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ахлоқий меъёрларининг фаолиятига эркин баҳо бериш ва бу борада етарли кўникмалар ҳосил қилиш;
- анъанавий ва аудиовизуал журналистикада касб этикаси фаолиятини йўлга қўйиш, касб этикаси кодексларини ўрганиш, халқаро гуманитар ҳуқуқ тушунчаси ва моҳиятини таҳлил этиш, газета, радио, телевидение ва ахборот агентликлари билан узвий алоқалар ўрнатиш амалиёти, ушбу жараёнда журналистнинг ижодий ва ташкилотчилик маҳорати, унга қўйиладиган талаблар ҳақида маълумот бериш;
- ОАВ фаолиятини ташкил этишда журналист касб этикасининг ўрни, уларнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини аниқ мисоллар асосида изоҳлаб бериш;
- талабаларда журналист маҳоратини ошириш, ҳар бир ОАВ ходимининг касб этикасига риоя этишга оид фикрларни мустаҳкамлаш.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Журналистикада касб этикаси” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- журналистикада касб этикасининг ўрни ва аҳамияти;
- талабаларда мустақил хорижий мамлакатлар ОАВ фаолиятида касб одоби асосларини ташкил этиш назарияси;
- ахлоқий меъёрларининг фаолиятига эркин баҳо бериш;
- анъанавий ва электрон журналистикадаги фаолиятида касб этикаси мезонларини йўлга қўйиш;
- касб этикаси кодексларини ўрганиш;

- радио, телевидение ва ахборот агентликлари билан узвий алоқалар ўрнатиш амалиёти, ушбу жараёнда журналистнинг ижодий ва ташкилотчилик маҳорати, унга қўйиладиган талаблар;

- бугунги кунда касб этикасининг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти;

- касб одобининг ривожланиш жараёни ва тамойиллари;

- материал тайёрлашда барча замонавий усуллари, технологиялари **хақида тасаввурга эга бўлиши;**

- ОАВ фаолиятида журналист касб этикасини ўрганиш, уларнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини аниқ мисоллар асосида изоҳлаб беришни;

- талабаларда журналист маҳоратини оширишни;

- ҳар бир ОАВ ходимининг касб этикасига риоя этиши зарурлигини;

- назарий билимларни эгаллаган ҳолда мушоҳада юритишни;

- ОАВ фаолиятида сиёсий, мафкуравий, маданий плюрализмнинг ўта муҳимлигини тушунишларига кўмаклашишни;

- мустақилликка қадар ва ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ОАВда касб этикаси асослари сезиларли даражада кенгайганлиги ҳамда журналистикада профессионаллашувнинг пайдо бўлишига олиб келганлигини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- ривожланган мамлакатлардаги ОАВда касб этикаси асослари ва журналист профессионаллашувидан келиб чиқиб, тажриба ўрганиш;

- ОАВ материалларида касбий этика меъёрларининг бузилишига, мафкуравий хуружларга қарши курашиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

- касб этикасини назарий муаммоларини тушуниш ва таҳлил қила олиш;

- хориж матбуотида чиққан, ТВда, кинода намоиш этилган айрим материалларни шарҳлаш **малакаларига эга бўлиши керак**

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Журналистикада касб этикаси” фани умумкасбий фанлардан ҳисобланади . Ушбу фан ўқув режасидаги халқаро журналистиканинг назарий, амалий ва тарихий йўналишдаги барча фанлари билан алоқадор. Хусусан, жаҳон журналистикаси асослари, аудиовизуал журналистика ҳамда замонавий хорижий ОАВ фанлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Ҳозирги ахборот алмашинуви глобаллашган даврда журналист касбий этикаси ахборот тарқатиш, ахборот билан ишлаш ва уни аудитория қатламларига тўғри усулларда етказишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Шу асосда мазкур фан орқали талабаларга ОАВнинг барча турлари, шунингдек, ахборот хизматлари, реклама ва ПР агентликлари, интернет журналистикаси, фуқаролик журналистикаси, ижтимоий тармоқлар ва бошқа ижтимоий соҳада фаолият юритадиган барча мутахассислар ва журналистлар учун муҳим ахлоқий мезонлар ўргатилади. Мазкур билимлар талабаларнинг иш ўринларига

осон мослашишлари ва самарали журналистик фаолият юритишларида муҳим роль ўйнайди.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талаба “Журналистикада касб этикаси” курсини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидадан фойдаланиши, янги информацион - педагогик технологияларини тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот (дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллари)дан фойдаланиш тавсия этилади. Маъруза ва семинар машғулотида турли метод ва воситалардан, хусусан, ақлий хужум, кластер, шунингдек, электрон манбалар, жадваллар, виртуал стендлар, инернет тизимларидадан фойдаланиш мумкин. Дарс мазмунли ва фойдали бўлиши учун аудио ва видеотехникадан фойдаланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

“Журналистикада касб этикаси ” фанининг мазмуни, предмети ва методи

Асосий қисмда (маъруза) фаннинг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилди. Бунда мавзу бўйича талабаларга ДТС асосида етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм бўйича қўйилдиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодиётни эркинлаштириш, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

“Журналистикада касб этикаси ” фанининг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари

“Журналистикада касб этикаси” тушунчаси, унинг умумий этикадан фарқли жиҳатлари. Амалий фаолият жараёнларида касб этикаси меъёрлари. Касб этикаси кодекслари. Анъанавий ва аудиовизуал журналистикада касб этикаси. Интернет журналистикасида касб этикаси. Оммавий коммуникация ҳамда матбуотда миллий ва умуминсоний кадрлар мувозанати масалалари. Демократик матбуотда касб этикаси фанининг истиқболи. Журналистикада миллий ва умуминсоний кадрлар мувозанати.

“Журналистикада касб этикаси” тушунчаси ва унинг умумий этикадан фарқли жиҳатлари

Этика одоб-ахлоқни ўрганадиган фалсафий фанлиги. Қулдорлик даври фалсафа илмининг ажралмас бир қисми сифатида вужудга келгани, қадимги дунё донишмандларидан бўлмиш Арасту томонидан атама сифатида муомалага киритилгани. Этика кишиларда одоб-ахлоқ муносабатлари, тушунчалари, кадриятлари, қонуниятлари вужудга келишини, уларнинг одамларни бошқарувидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиши.

Касб этикаси тушунчаси умумий этиканинг узвий ва ажралмас, лекин ундан тубдан фарқ қилувчи тушунча эканлиги. Бошқа касб этикаларига ўхшаш жиҳатлари борлиги, лекин журналистнинг касб-кори бошқаларникидан тубдан фарқланиши.

Журналист касб этикасини ўрганиш тарихидан (ўзбек ва ва жаҳон журналистикасида касб этикаси масалалари мисолида)

Журналистика тарихи-касб этикаси тарихи демакдир. Журналистнинг касб этикаси тарихи ҳозирги газеталарнинг ибтидоси бўлмиш варақалар тарқатилган пайтлардан бошлангани. Замонавий тушунчадаги касб этикасига ХХ асрнинг бошларидан катта эътибор қаратилгани. Газета нашр этишнинг оммавий тус олиши, айниқса 20-йилларда кўпгина мамлакатлардаги журналистлар уюшмалари томонидан касб этикаси кодекслари ишлаб чиқиладиган бўлгани. Журналистнинг касб этикаси ва халқаро гуманитар ҳуқуқнинг боғлиқ жиҳатлари.

Журналист шахси ва уни шакллантиришда касб этикасининг аҳамияти

Журналист шахс сифатида: тафаккури, мафкураси, ижтимоий воқеликдаги ўрни. Ижтимоий воқеликлар орасида яшайдиган журналист жамиятнинг фаол кишиси сифатида барча ўзгаришлардан воқиф бўлиши. Воқифлик таъсирланишга олиб келиши. Бу унинг шахс сифатида камол топишига, психологиясининг шаклланишига, руҳиятида турли излар қолдиришига таъсир қилиши. Бундай вазиятларда журналистдан алоҳида ҳушёрлик, ирода пухталиги талаб этилиши.

Ижодий фаолият жараёнларида касб этикаси меъёрлари

Журналистликнинг бошланиши. Қизиқиш ва уни бошқаларга етказишга мойилликнинг профессионал маънодаги журналистикага айлана бориши. Қизиқиш, маълумот тўплаш, мавзу танлаш, ахборот манбалари билан мулоқот ўрнатиш маданиятини эгаллаш, хизмат сафарига бориш, ёзишга киришиш, жанрни белгилаш, қайси газета (журнал)га ёзаётганини олдиндан аниқлаш, рукн, сарлавҳа, тагсарлавҳа, оҳанг ва ҳоказо омилларни ҳис этиш. Ахборотнинг фуқаро, омма ва жамият ҳаётидаги ўрни. Ижобий ва танқидий мақолаларда касб этикаси шартлари.

Умуминсоний қадриятларда журналист касб этикасининг акс этиши

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Журналист одоби принциплари декларацияси, Ахлоқий нормалар кодекси, Халқаро гуманитар ҳуқуқ: Женева конвенциялари тўплами ва бошқа халқаро ва миллий ҳужжатларда журналист касб этикаси меъёрлари.

Ахборот глобаллашуви даврида журналист касб этикаси муаммолари

Глобаллашув хусусиятлари, оммавий коммуникация, ахборот коммуникация технологиялари тараққиёти. Оммавий коммуникация – фуқаролик жамиятининг муҳим шарти эканлиги. Коммуникация – жамиятнинг барча табақалари, бўғимлари, фуқаролари ўртасида умумалоқанинг ўрнатилиш эканлиги. Коммуникацияни йўлга қўйиш омилларидан бири – ОАВ эканлиги.

Глобал коммуникациянинг авж олиш даврида матбуотда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини, мувозанатини сақлаш шартлари.

Анъанавий ва аудиовизуал журналистикада касб этикаси

Анъанавий журналистика ва XX асрнинг иккинчи ярмидан радио ва ТВ журналистикасининг вужудга келиши, уларда касб одоби нормаларининг ўхшашлиги ва ўзига хосликлари. Аудиовизуал журналистика дунёсида эркинлик ва масъулият мувозанатини сақлаш талаблари.

Интернет журналистикасида касб этикаси

Интернет тармоғи – аудиовизуал журналистиканинг муҳим ва катта қисми сифатида. Ахборот тарқатиш кўламининг кенгайиши, интернет саҳифаларида электрон нашрларнинг пайдо бўлиши. Интернет журналистикасида халқаро зиддиятли муносабатларнинг ёритилиши.

Касб этикаси кодекслари

Жаҳон журналистикасида касб этикаси кодексларини яратиш тарихи. Кодексларнинг хилма-хиллиги.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда журналистнинг касб одоби кодексларини яратишга дастлабки уринишлар бўлгани. Миллий ва халқаро тажриба.

Фавқулодда вазиятларда журналист касб этикаси меъёрлари

Ёш мустақил давлатларнинг оёққа туриб олиши, ўзлигини таниши бир неча йиллар мобайнида амалга ошириши. Фавқулодда вазиятларда фаолият олиб бориши. Ғаразли мақсадларда ахборот тарқатиш, ахборот хуружини уюштиришларга зўр берилиши. Мамлакат журналистларининг инсоний, касбий ва фуқаровий масъулияти мана шу пайтда айниқса кучайиши талаб қилиниши.

Журналистикада жанр тушунчаси ва касб этикаси масалалари

Жанр-услуб, нуқтаи назар сифатида. Тил ва ифода. Тахлилий журналистика, шарҳ. Журналист текшируви. Баҳсли ва мунозарали чиқишлар.

Журналистикада миллий қадриятлар, миллий менталитет ва умуминсоний қадриятлар мувозанати

Миллий қадриятлар ва миллий менталитет тушунчалари. Умуминсоний қадриятлар ва уларнинг миллий қадриятлар билан боғлиқлиги. Журналистика ва миллий менталитет. Сўз, фикр ва матбуот эркинлиги умуминсоний ва миллий қадрият сифатида.

ОАВ материалларида миллий ва умуминсоний қадриятлар мувозанати муаммолари. ОАВда миллий ва умуминсоний қадриятларни ёритиш ва уларга амал қилишда касбий ахлоқ меъёрларнинг ўрни.

ОАВ каналларида миллий қадриятлар, миллий менталитет ва умуминсоний қадриятларни мувозанатлашган ҳолда берилишининг жамиятда демократик қарашларнинг шаклланишига таъсири.

Жамият демократлашуви жараёнида журналист касб этикаси меъёрларининг шаклланиши

Демократик жамият бунёд этиш йўлида ислохотлар изчил олиб борилаётган мустақиллик йилларида матбуот ва оммавий ахборот воситалари олдига, журналистлар олдига буткул янги руҳдаги вазифалар қўйилиши. Демократия тушунчаси, унга муносабат, умуммиллий қадриятларни миллий қадриятлар контекстида тушуниш ва талқин этиш фуқаролардан ва айниқса соҳа кишилари томонидан тафаккурни, масалаларга муносабатни тубдан ўзгартиришни тақозо этаётганлиги.

Семинар машғулотларининг тахминий рўйхати

- Журналист касб этикасини ўрганиш тарихидан (ўзбек ва ва жаҳон журналистикасида касб этикаси масалалари мисолида).
- Амалий фаолият жараёнларида касб этикаси меъёрлари.
- Касб этикаси кодекслари.
- Анъанавий ва аудиовизуал журналистикада касб этикаси.
- Интернет журналистикасида касб этикаси.
- Оммавий коммуникация ҳамда матбуотда миллий ва умуминсоний қадриятлар мувозанати масалалари.
- Демократик матбуотда касб этикаси фанининг истиқболи.
- Журналистикада миллий ва умуминсоний қадриятлар мувозанати.

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

“Журналистикада касб этикаси” фанини ўрганувчи талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва келгусида уларни амалиётда қўллаш учун мустақил таълим тизимига асосланиб кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида мустақил иш бажарадилар. Бунда улар кўшимча адабиётларни ўрганиб ҳамда интернет сайтларидан фойдаланиб реферат ва илмий маъруза, досъелар тайёрлайдилар, семинар машғулот мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, кўргазмали қуроллар ва слайдлар тайёрлайдилар.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалари бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлардан фанга оид бўлимлар ва мавзулар устида ишлаш;
- янги техникалар, компьютер дастурлари ва технологияларини ўрганиш;
- талабанинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиши;
- фаол ва муаммоли ўқитиш усулларида фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;
- масофавий (дистанцион) таълим.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. “Журналистикада касб этикаси” мавзусига кириш
2. Журналист касб этикасини ўрганиш тарихидан
3. Журналист шахси ва уни шакллантиришда касб этикасининг аҳамияти
4. Ижодий фаолият жараёнида касб этикаси меъёрлари
5. Умуминсоний қадриятларда журналист касб этикасининг акс этиши
6. Ахборот глобаллашуви даврида журналист касб этикаси муаммолари
7. Ахборот глобаллашуви даврида журналист касб этикаси муаммолари
8. Аудиовизуал журналистика ва касб этикаси
9. Интернет журналистикасида касб этикаси
10. Касб этикаси кодекслари
11. Фавқулодда вазиятларда журналист касб этикаси меъёрлари
12. Журналистикада жанр тушунчаси ва касб этикаси масалалари
13. Журналистикада миллий қадриятлар, миллий менталитет ва умуминсоний қадриятлар мувозанати
14. Жамият демократлашуви жараёнида журналист касб этикаси меъёрларининг шаклланиши
15. Б.Дўстқораевнинг “Ўзбекистон журналистикаси тарихи” асарида касб этикаси мавзуси.
16. А.Мелибоевнинг “Қирқ бешинчи бекат” китобида касб этикаси мавзуси.
17. Ҳ.Олимжоновнинг “Журналист” романида муаллиф нуқтаи назари-позицияси.

Дастурнинг информатсион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида:

- Ушбу фан ва унинг таркиби бўлимига тегишли маъруза дарсларида модуль тизимида асосланган электрон мажмуадан;
- амалий машғулотларда, хусусан, журналистик фаолиятнинг назарий жиҳатларини ўрганишда замонавий таълим технологияларидан, ҳар хил интерактив усуллардан;
- журналистика амалиёти масалаларига тегишли дарс машғулотларида таълимнинг бошқа методларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Дўстмухаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари. Т.: Янги аср авлоди. 2007.
2. Дўстмухаммад Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси. Т.: ЎзДЖТУ. 2011.
3. Авраамов Д.С. Профессиональная этика журналиста. М., 2003.
4. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики: Учебное пособие. М.: Изд. Рип-холдинг, 2002 г.
5. Профессиональная этика журналиста. (Документы и справочные материалы) М.: 2002 г.

Қўшимча адабиётлар:

1. Актуальные проблемы обеспечения доступа к информации. М.: Институт проблем информационного права, 2004. (Журналистика и права; Вып. 35).
2. Руткевич М.Н. Общество как система. Социологические очерки. – СПб.: Алетейя, 2001.
3. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.-2009.
4. Mominov F., Nurmatov A. Jahon jurnalistikasi tarixi. Т.:2008.
5. Мелибоев А.Кирк бешинчи бекат. Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.-2008.
6. Мельник Г.Объение в журналистике. С.-Петерб.Питер Пресс.-2008.
7. Ўтаев Ў.Телевидение-давр кўзгуси. Т.:Ozbekiston.-2010.

Интернет сайтлари:

1. http://anthropology.ru/ru/texts/pavlova_sm/globalism_14.html
2. <http://www.ispr.ru/Confer/confer1-5.html>
3. http://www.medialaw.ru/publications/zip/38/right_info.html.
4. http://anthropology.ru/ru/texts/pavlova_sm/globalism_14.html
5. <http://www.ispr.ru/Confer/confer1-5.html>
6. http://www.medialaw.ru/publications/zip/38/right_info.html.
7. <http://www.5-ka.ru>, “Энциклопедия некоторых терминов”.
8. <http://www.internetworldstats.com>.
9. <http://www.internews.uz>.

